

## КАСБИЙ СТАНДАРТЛАРНИНГ МАЛАКАЛАР МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Узакбаев Аббас

Меҳнат бозори тадқиқотлари институти таянч докторанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14056767>

**Аннотация.** Мазкур илмий ишда касбий стандартларнинг Малакалар миллий тизими ва ходимларнинг узлуксиз профессионал ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти ўрганилиб чиқилган.

**Калим сўзлар:** касбий стандарт, Малакалар миллий тизими, узлуксиз профессионал ривожланиш, таълим дастурлари, малакани баҳолаш.

## THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF OCCUPATIONAL STANDARDS IN IMPLEMENTING THE NATIONAL QUALIFICATIONS SYSTEM

**Abstract.** This scientific work examines the role and significance of occupational standards in the National Qualification System and the continuous professional development of employees.

**Keywords:** occupational standard, National Qualifications System, continuous professional development, educational programs, qualification assessment.

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ СТАНДАРТОВ ВО ВНЕДРЕНИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ КВАЛИФИКАЦИЙ

**Аннотация.** В данной научной работе исследованы роль и значение профессиональных стандартов в Национальной системе квалификаций и непрерывном профессиональном развитии работников.

**Ключевые слова:** профессиональный стандарт, Национальная система квалификаций, непрерывное профессиональное развитие, образовательные программы, оценка квалификации.

Касбий стандарт – муайян касбий фаолият доирасида унинг мазмуни, меҳнат шароитлари, сифати, ходимларнинг малакаси ва компетенциясига турли малака даражалари бўйича қўйиладиган талабларни белгиловчи кўп функцияли меъёрий ҳужжатдир. Яъни, бу ҳужжат меҳнат соҳасидан келиб чиқиб, муайян иқтисодий фаолият тури доирасидаги касбий фаолият мазмунини, шунингдек ходимларнинг малакасига қўйиладиган талабларни очиқ беради. Касбий стандартлар – янги турдаги ҳужжатлар бўлиб, улар меҳнат фаолиятининг муайян турларини амалга ошириш учун зарур бўлган кўникма ва билимлар тўғрисидаги энг тўлиқ ва долзарб маълумотларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 369-моддасига мувофиқ касбий стандарт тушунчасига қуйидагича таъриф келтирилган:

Касб стандарти асосий меҳнат вазифалари ва уларни бажариш шартлари тавсифини ўз ичига олган, меҳнат бўйича малака даражасига, лаёқатга, меҳнат сифати ва шарт-шароитларига доир талабларни белгилайдиган стандартдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-345-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикасида касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашларининг асосий вазифаси эканлиги белгиланган, шунингдек, ушбу қарорда касбий стандартларни ишлаб чиқиш жараёни ҳамда муҳокамаларида хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорликни ташкил этиш ҳам белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Касбий стандартнинг асосий вазифаси тегишли фаолият тури бўйича ходимларга қўйиладиган малака талабларини меъёрлаштиришдир. У “тенг малакали меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш” тамойилига риоя этилишни таъминлашга ёрдам беради. Хавфли ва зарarli касблар учун асосий малака талаблари ва меҳнат шароитларини меъёрлаштириш иш берувчиларнинг ижтимоий жавобгарлигини ва ходимлар билан меҳнат муносабатларини тартибга солиш имконини беради. Муҳими шундаки, бир қатор касблар учун касбий стандарт кадрлар таркибини шакллантиришда асос сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган асосий ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳолат муҳим бўлиб, ташкилий тузилма, штат жадвали ва иш ўринлари вазифаларини тавсифлашда функционал ёндашувнинг қатъий лавозим ёндашувидан устунлигини белгилайди. Корхонанинг иш ўринларига қўйиладиган малака талабларини тавсифлашга асос қилиб олинган касбий стандарт ҳар бир аниқ ҳолатда уларнинг мақбул тўпламини шакллантириш имконини беради. Касбий стандарт ўз ичига тавсия этилган лавозимлар рўйхатини олган бўлиб, бу рўйхат мамлакат қонунчилигида белгиланган лавозимлардан ташқари, иш берувчи томонидан мустақил равишда тўлдирилиши мумкин [1]. Касбий стандарт ходимга ўз касбий даражасини мустақил баҳолаш, таълимдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини беради.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ-345-сон қарори 5-илова, “в” ва “з” бандлари

Иш берувчи учун эса бу номзодларга қўйиладиган талабларни аниқ ифодалаш, лавозим мажбуриятларини оқилона тақсимлаш, ходимнинг ваколатларини белгилаш ва ходимлар тоифалари ўртасида жавобгарлик даражасини ўрнатиш учун зарурдир [2].

Касбий стандартлар таълим соҳасига ҳам таъсир кўрсатади. Улар асосида профессионал ва олий таълим муассасалари талабалари учун таълим дастурларини ишлаб чиқилади. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йилдаги “Таълим тўғрисида” ги Қонуни 34-моддасида қўйдагича белгиланган:

Таянч давлат олий таълим ва профессионал таълим муассасалари кадрларнинг талабгорлари иштирокида давлат таълим стандартларини, малака талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини тайёрлашни амалга оширади. Давлат таълим стандартлари касбий стандартлар асосида ишлаб чиқилади.

Касбий стандартнинг Малакалар миллий тизимидаги кейинги аҳамиятли ўрни бу – малакаларни баҳолаш жараёнида бевосита ундан фойдаланишдир. Малакани баҳолаш – бу талабгор малакасини касбий стандартга асосан ва шунингдек, малака талабларига мувофиқлиги бўйича тасдиқлаш жараёнидир. Малакани баҳолаш малакаларни баҳолаш марказлари томонидан ўтказилади ва имтиҳон назарий ҳамда амалий қисмлардан иборат бўлади. Аҳамиятлиси, имтиҳонлар тегишли касбий стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Малакани баҳолашдан муваффақиятли ўтиш талабгорга малакасини тасдиқлаш, ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтириш ва маълум турдаги меҳнат вазифаларини бажариш имконини беради.

Малакани баҳолаш имтиҳонларининг касбий стандартларга асосан ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2021 йилдаги “Касбий малака ва билимларни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори қўйидагича белгиланган:

Малакани баҳолаш марказлари касбий стандартларга асосан малакани баҳолаш воситаларини (малака дастури) ишлаб чиқади. <sup>2</sup>

## REFERENCES

1. Анализ международного опыта разработки и применения профессиональных стандартов. Туманова О.М., Славнова Т.О., Исабеков М.У. (2017, октябрь)

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2021 йилдаги 616-сон қарори, 4-илова 7-а банди

2. Актуальность и механизм внедрения профессиональных стандартов. М. С. Серебренникова, Н. Б. Фатеева, С. В. Петрякова, Аграрный вестник Урала № 01 (155), 2017 г.
3. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. <https://nark.ru/nok/>